

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: Сўнгги уруғ жамоаси чорвачилик хусусиятлари

Топширди: Қаландаров Ҳ

Қабул қилди: Бобобеков А

Тошкент 2014

Мавзу: Сўнгги уруғ жамоаси чорвачилик хусусиятлари

Режа:

Кириш.

1. Неолит даврида чорвачилик хўжалиги ва унинг тарқалиши.

2. Неолит даври чорвачилик манзилгоҳлари ва уларнинг ўрганилиши.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Ибтидоий одамлар хилма хил ҳайвонлар орасида яшаб келдилар. Ибтидоий инсон ёввойи ҳайвонларнинг авлоди, гўштини овқат сифатида истеъмол қилди, терисидан кийим, полос ва бошпана сифатида фойдаланди. Суяклардан ҳар хил меҳнат ва жанговар қурооллар ясади. Табиатда ёввойи ҳайвонларнинг турлари кўп. Ибтидоий инсон ўз атрофидаги ёввойи ҳайвонларни сабр матонат билан кузатди, ўрганди. Тинимсиз кузатиш натижасида ҳайвонларнинг хулқ атвори ўрганилди ва уларнинг баъзилари аста секин қўлга ўргатилиб, хонакилаштирила бошланди.

Ҳайвон турларининг қўлга ўргатилиши ва хонакилаштирилишнинг нисбий тарзда бўлса ҳам ўтроқликни талаб этар, овчи қабилаларнинг доимий кўчиб юришига монелик кўрсатар эди. Ер юзининг жуда кўп жойларидаги сўнгги мезолит ва неолит даврига оид манзилгоҳлар қовланган вақтда, маданий қатламлардан меҳнат қурооллари билан бир қаторда хонаки чўчка, кўй, эчки, йирик шоҳли қорамолларнинг суяклари топилган. Бу ҳол мазкур ҳайвонларнинг сўнгги мезолит ва неолит даврида қўлга ўргатилиб, хонакилаштирила бошлаганидан далолат беради. Ёввойи ҳайвон турларини хонакилаштириш жуда қийин иш бўлиб, бу жараён жуда узоқ давом этганлиги шубҳасиз. Шунини айтиб ўтиш керакки, Ер юзидаги 140 минг тур ҳайвондан, фақатгина 47 туригина хонакилаштиришга муваффақ бўлган.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, инсоният тарихидаги давтлабки ишлаб чиқарувчи хўжаликлардан бири чорвачилик бўлиб, овчиликдан чорвачиликка ўтиш натижасида ибтидоий хўжалик ривожланди, шунинг асносида инсоният хўжалиги тараққий эта бошлади.

1. Неолит даврида чорвачилик хўжалиги ва унинг тарқалиши

Овчиларда қадим замонлардан, аллақачон, содиқ дўст бўлган. Бу ит ҳисобланган. Ит одамларга ўртатош даваридан бери ёрдам бериб келади. Янги тош даврида эса бошқа хонакилаштирилган ҳайвонлар пайдо бўла бошлади.

Гоҳида овчилик бароридан келган. Кўплаб ҳайвонлар ўлдирилиганидан кейин уларнинг болалари овчилар қўлида қолиб кетган. Овчилик натижасида қўлга киритилган гўшт маҳсулоти етарли, шу учун овчилар уларни захирада сақлаганлар. Лекин одамлар унга мухтожлигини сезмаганлар, чунки кундан кунга овчилик омадли бўлаверганидан кейин захира ҳайвонларининг сони ҳам ортиб бораверган. Шу тарзда, ёввойи ҳайвонлар хонакилаштирила борган.

Итдан кейин биринчи қўлга ўргатилган ҳайвон эчки бўлган (мил. авв. 8 минг йилликлар). Ёввойи эчки дастлаб Ўрта Осиёда қўлга ўргатилган. Одамларга унинг сути, мазали гўшти ёқиб тушган, жунидан кийим сифатида фойдаланишган.¹

Қўй – бу ҳам Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда мил. авв. 8 минг йилликларда қўлга ўргатилган. Шу ердан қўйчилик бошқа минтақаларга тарқалган бўлган. Қўйларни боқиш жуда ҳам осон бўлган, бу борада одамларга итлар ёрдам берган.

Кейин эса чўчқа қўлга ўргатилган. Олимлар ҳозирча ишончи қомил эмаски, дастлаб чўчқачилик қаерда пайдо бўлганлигини, Хитойдами ёки Шимолий Африкадами. Чўчқа ҳамма нарсани еявергани учун уни боқиш қийин бўлмаган.²

¹ <http://www.prehistoryforkids.archeologia.ru>

² <http://www.prehistoryforkids.archeologia.ru>

Йирик шоҳли қорамоллар хўжаликда мил.авв. 7-6 минг й.да пайдо бўлган. У дастлаб Осиё ва Европада қўлга ўргатилган. Унинг сути ва гўшти жуда қимматли ҳисоблангани учун хўжаликда унинг ўрни беқиёс бўлган. Ҳиндистонда буйвол (буқаларнинг кенжа оиласига мансуб ҳайвон) хонакилаштирилган, Осиёнинг тоғли минтақаларида эса узун юнгли қўтослар қўлга ўргатилган.

Аммо чорвачиликдаги энг керакли бўлган ёрдамчи уй ҳайвони бу от ҳисобланади. От 4,5 минг йил олдин Қора Денгиз бўйларида хонакалаштирилган. Отлар қорамоллар сингари аравага қўшилган.

Аста секин чорвачилик кўчманчиликни тақозо қилган. Кўчманчилар муқим жойда яшамаганлар, ҳамиша янги ўтлоқли жойларни кидириб юрганлар.

Эшакни биринчи бўлиб мисрликлар қўлга ўргатганлар. Бу ҳайвон ибтидоий чорвачиликнинг “тирик мотор”и ҳисобланган. Эшакларда оғир юклар ташилган ва узоқ йўл юрилган. Шунингдек, Араб саҳроларида одамлар туялардан фойдаланишган. Ҳиндлар эса оғир меҳнатда филлар ёрдамидан фойдаланишган.³

4 минг йил олдин жануби шарқий Осиё ва Ҳиндихитойда унча товуқ, ўрдак қўлга ўргатилган. Чорвачиликнинг вужудга келиш одамлар турмуш тарзини ўзгартирган. Энди одамлар кийим кийиб юридиган бўлишди.

Аввало, уй ҳайвонларига ва қўлга ўргатилган ҳайвонларни бир биридан фарқ қилиш кераклигини айтиб ўтиш зарур. Қўлга ўргатилган ҳайвонлар булар ёввойи ҳолида мавжуд ҳайвонлар бўлиб, улар одамга итаот этди. Уй ҳайвонларига айлантирилганлари эса илгари қўлга ўргатилиб, янги тур берган ҳайвонлардир. Қўлга ўргатилган ҳайвонлар, баъзиларини истисно қилганда, хўжалик аҳамиятига эга эмас. Масалан, баъзи мамалакатларда

³<http://www.prehistoryforkids.archeologia.ru>

миниб юриладиган ваюк ташувчи ҳайвон сифатида фойдаланилади, лекин уни уй ҳайвони деб атаб бўлмайди. Уй ҳайвонлари эса одамнинг маълум хизматини бажаради. Уй ҳайвонларининг хўжалик аҳамиятини яна бир фарқ якқол кўрсатиб туради қўлга ўргатилган ҳайвонлар эркисизликда ҳаммавақт ҳам насл беравермайди, уй ҳайвонлари эса узлуксиз насл беради ва бу жиҳатдан алоҳида урчитиш объекти бўлиши мумкин.⁴

Ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши ва уй ҳайвонларига айлантирилишининг вужудга келиши ҳақида бир қанча ўзига хос «назариялар» бор. Бир нарсa шубҳасиз: биронта ҳайвон уй ҳайвонига айлантирилишидан олдин, аввало, қўлга ўргатилиши лозим. Қўлга ўргатилишининг вужудга келишини турлича талқин этадилар. Бир «назария» қуйидагича таърифлайди: овчи урғочи ҳайвонни ўлдиради, унинг тирик қолган болалари эса олиб кетилган онаси орқасидан инстинктив равишда эргашиб боради ва аёллар уларни боқиб катта қиладилар, натижада улар қўлга ўрганиб қолади. Бошқа «назария»га мувофиқ шундай ҳайвонларнинг алоҳида турлари одамга ўзлари элакишиб кетган. Бунда маълум ҳақиқий фактларга суянадилар; масалан, шундай воқеалар бўладик, пашша ва чивинлардан қутилиш учун ёйвойи от ёки ёввойи буғу одам ёққан гулханга яқин келади. Яна бир «назария» ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши ва уй ҳайвонларига айлантирилишини овнинг қуйидаги усулига боғлайди: ёввойи ҳайвонлар атрофи тўсиб қўйилган ғовларга ҳайдаб қамалади, у ерда улар захира учун сақланади. Ҳақиқатан ҳам, ўтмишда шимолдаги овчи халқлар буғуларни шундай овлаганлар. Мана шу «ўраб қўйиш усули» билан ҳайвонлар қўлга ўргатилган ва уй ҳайвонларига айлантирилган. Ниҳоят, буни диний эътиқодларга боғлаган авторлар ҳам топилади: дастлаб улар одамлар сиғинган «муқаддас» ҳайвонлар бўлган, сўнгра

⁴Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 81.

одам уларни ўзига хизмат қилишга мажбур этган.⁵

Бу «назария»ларнинг ҳаммаси ҳам унча ишончли эмас. Эҳтимол, бу ерда тасодиф қисман роль ўйнаши мумкин, шунингдек, қўлга ўргатилган ҳайвонлардан алоҳида турлари, айниқса бунга мос бўлганлари уй ҳайвонларига айлантирилган бўлиши ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда қўлга ўргатиш иши хўжалик мақсадларини кўзламаган ҳолда бажарилиши ҳам мумкин. Масалан, австралияликлар қурбақа ва каламушларни эрмак учун ўргатадилар. Қолоқ қабилаларда аёллар ёввойи ҳайвонларнинг болаларини эмизиб боқадилар ва уларни қўлга ўргатадилар. Бироқ уй ҳайвонларига айлантириш онгли хўжалик фаолиятининг натижаси эди. Фақат қўлга ўргатишгина эмас, балки уй ҳайвонларига айлантириш, ҳатто чорвачилик ҳам бевосита овчиликдан келиб чиққан, дегаи фикр ҳам бор. Бу фикр чорвачилик гўё овчиликдан кейин, деҳқончиликдан олдин пайдо бўлган деган аллақачонлар унутилган «уч босқич назарияси» билан боғланган. Аслида эса овчи бир ҳайвонни итни қўлга ўргатиб, уй ҳайвонига айлантиргач ит унга ов вақтида катта ёрдам бергач, у ўз табиатига кўра, овчига ҳақиқий йўлдош бўлган. Аммо уй ҳайвонларини кўпроқ урчитиш иши овчига мос келмайди. Овчи уй ҳайвонига айлантирилган сигир ёки чўчкани ўзи билан бирга олиб юролмаган. Уй ҳайвонларини асраш учун қисман бўлса ҳам ўтроқлик зарур. Ўтроқлик интенсив балиқчилик асосида мавжуд бўлиши мумкин, лекин унинг ҳам ҳайвонларни боқиб қўпайтириш билан алоқаси йўқдир. Уй ҳайвонларини урчитиб қўпайтириш иши тахминан деҳқончилик иайдо бўлган даврда, бошланган деган хулосага келишга мажбурмиз. Чорвачилик масаласига келганимизда эса, у том маъноси билан, анча кейинги замонларда вужудга келган.⁶

⁵Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 83.

⁶Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 85

Уй ҳайвонларини урчитиб қўпайтириш дастлабки вақтларда анча чекланган бўлса керак, лекин вақт ўта бориши билан у хўжаликнинг муҳим тармоғига айланган. Уй ҳайвоилари одамга гўшт, тери, жун, ёғ, суяк берган, юк ташиган ва ерни ҳайдаган ва, ниҳоят, ўғит берган. Уй ҳайвонларининг сути анча кейинроқ истеъмол қилина бошлаган бўлса керак.

Ҳар хил ҳайвон турларини хонакилаштириш жуда оғир иш бўлиб, бу процесс узоқ вақт давом этган. У ҳайвонларни танлаш ҳамда чатиштиришдан иборат бўлган. Ибтидоий одам учун бу иш, албатта, қийин бўлган. Шунини айтиш кифояки, одам ер юзида хонакилаштириш мумкин бўлган 140 минг тур ҳайвондан жуда оз қисмини, атиги 47 туринигина хонакилаштирган.

Бизнинг уй ҳайвонларимиз, асосан, Осиёнинг бир қанча областларида, шу жумладан Узоқ Шарқда, Шимолий Ҳиндистонда, Ўрта ва Ғарбий Осиёда, Ўрта ва Жанубий Европада, шунингдек, баъзи бир ҳайвонлар Шимолий Африкада қўлга ўргатилган. Баъзи бир уй ҳайвонларнинг келиб чиқиши қуйидагича таърифланади. Турли хил турлардан иборат бўлган итларнинг келиб чиқиши полифилетикдир, яъни у Осиё, Европа, Африка ва Америкада пайдо бўлган. Австралия дингоси Австралияга одам билан ярим ёввойи ҳолда кўчиб борган ва, шу билан бирга маҳаллий аҳолига вафодор бўлгани ҳолда ярим ёввойилигича қолаверган. Итдан сўнг, чўчқа ёки эчки уй ҳайвонига айлантирилган. Баъзи тадқиқотчилар итдан сўнг биринчи галда чўчқа қўлга ўргатилган дейдилар. Баъзи жойларда чўчқа илк неолитдаёқ пайдо бўлган. Швейцариянинг қозик устига ўрнатилган қадимги манзилларида чўчқа итдан сўнг энг қадимги ҳайвон экани аниқланди. Чўчқа ёввойи ҳолида кенг тарқалган ва уни қўлга тез ўргатиш мумкин бўлган. Унинг ватани кўпдир. Шарқий, Ўрта ва Ғарбий Осиё, Ҳиндистон, Ўрта Ер денгизи бўйлари, Ғарбий ва Шарқий Европа

чўчқанинг ватани ҳисобланади. Ғарбий Европанинг қозик устига ўрнатилган қадимги манзилларида кенг тарқалган эчки ҳам худди шундай полифилетик йўл билан келиб чиққан. Қўй тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Археологик маълумотлар майда уй ҳайвонлари йирик ҳайвонлардан илгари хонакилашганини аниқ кўрсатиб беради.⁷

Европада сигир ва буқа сингари йирик шохли ҳайвонлар неолитнинг охирида, қозик устига қурилган манзиллар даврида пайдо бўлган. Жанубий Осиё ва шунингдек қадимги Мисрда йирик шохли ҳайвонлар неолитнинг охирида пайдо бўла бошлаган. Сигир ва буқа Жанубий Осиё ва Европада келиб чиққан. Эшакнинг ватани Шарқий Африка ва Ғарбий Осиё ҳисобланади. У Европага шу мамлакатлардан кириб борган ва бу ерда фақат бронза даврининг охирларида пайдо бўлган, Худдн шунингдек, туя ҳам полифилетик ҳайвон бўлиб, Марказий Осиё, Ўрта Осиё, Арабистон билан биргаликда Шимолий Африка унинг ватани ҳисобланади. Туянинг бир тури паст бўйли ўрқачсиз лама ва унинг кенжа тури — альпака Жанубий Америкада, қадимги Перуда бутунлай мустақил ҳолда хонакилаштирилган. Альпака иккала Америка материгида хонакилаштирилган бирдан-бир кавшавчи ҳайвондир.⁸

Отнинг хонакилаштирилиши масаласи жуда мураккаб ва мунозарали масаладир. Унинг келиб чиқиши, афтидан, полифилетикдир, Осиё ва Ғарбий Европа унинг ватани ҳисобланади. Агар отнинг келиб чиқиш жойи — Осиё ҳеч қандай мунозарага сабаб бўлмаса, Ғарбий Европа унинг мустақил ватани эканлигини исботлаб бериш жуда қийин. Осиёнинг ўзида ҳам от, афтидан, битта эмас, ҳеч бўлмаганда, иккита жойда—шарқда ва Ўрта Осиёда, эҳтимол, Туркманистонда пайдо бўлгандир. Анча йирик, узун оёқли келишган,

⁷Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 88.

⁸Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 90.

қотма, йўрға ва жуда чидамли, энг яхши насли отларнинг ватани худди шу ердир. Шу айтилган отлар насли ибтидоий даврдаёқ Урта Осиёдан ғарбга, Месопотамия, Кичик Осиё, Паластин, Миср, кейинчалик эса Арабистонга тарқалган. Отлар номлари айтилган мамлакатларда синфий жамият ҳукм сурган вақтдагина пайдо бўлади ва у ерларда катта тарихий роль ўйнади. Европа отлари масаласига келганимизда, бу ерда қандайдир сирли бир ҳодиса юз берган. Бир вақтлар ҳар хил турдаги ёввойи отлар Ғарбий Европада кенг тарқалган эди. Бу ҳақда палеолит даври ёдгорликларида ёввойи отларнинг сақланиб қолган жуда кўп миқдордаги суяги ва палеолит даврида ажойиб реализм билан ишланган от расмлари бундан гувоҳлик беради. Бироқ кейинчалик катта узилиш рўй беради. От Ғарбий Европанинг археологик қазилмаларида фақат сўнгги даврда қозиклар устига қурилган манзилларда, бронза асрида хонакилаштирилган от сифатида пайдо бўлади. Қолган бутун оралик даврда, яъни бутун неолит даврида на ёввойи, на уй отининг қолдиқлари топилмайди.

Мана шундай шароитда баъзи олимлар хонакилаштирилган от Ғарбий Европага Шарқдан, яъни Осиёдан ўтган, деган фикрни айтадилар, бошқа авторлар эса Европанинг бронза даври оти деб аталадиган уй оти шу ернинг ўзида пайдо бўлган, дейдилар.

От ва эшакни бир-бири билан чатиштириш натижасида сунъий дурагай—хачир олиш иши узоқ ўтмишга тегишлидир. Бу катта моҳирликни талаб қилувчи оғир дурагайлаш иши биринчи мартаба Ғарбий Осиёда амалга оширилган бўлса керак. Европада хачир фақат темир асрида пайдо бўлган.⁹

Мушук қизиқарли истисно бўлса керак. Унинг ватани Нубия бўлиб, у дастлаб Мисрда хонакилаштирилган. У ерда мушук биринчи марта

⁹<http://www.history.ru>

эрамиздан олдинги 2000 йилда, яъни синфий жамият мавжуд бўлган даврда, Ўрта подшолик даврида пайдо бўлган, греклар мушукни эрамиздан олдинги V асрдагина биладилар, кейинроқ эрамизнинг I асрларида у Римда ва яна ҳам кейинроқ — VII асрда у Урта Европада пайдо бўлади.

Ҳайвонни қўшга қўшиш омондан ташқари яна бнр деҳқончилик куролини — молани қўлланиш имконини берди. Бироқ у вақтда мола ўша қўлда судраб юрилган бутуқли дарахт танаси ёки шох-шаббанинг ўзгинаси эди, холос. Аммо чорва деҳқончиликка бошқа томондан ҳам ёрдам қилади, у гўнг беради. Гўнгдан анча кейин фойдаланилган бўлса ҳам, у узок вақтларгача ерни ўғитлашнинг асосий воситаси бўлиб қолди. Омон ёрдами билан ерни интенсив ишлаш ва ерга гўнг солиш бошоқли экинларни кўплаб экиш имкониятини берди. Бундан ташқари, бошоқли экинларнинг ўзи ҳам катта ер майдонини талаб қилади. Омон ёрдамида деҳқончилик қилишнинг ривожланиши ҳайдаб деҳқончилик қилинадиган доимий экин далаларининг пайдо бўлишига ёрдам беради. Омон билан деҳқончилик қилиш дала деҳқончилигига айланади.¹⁰

Чорвачилик дастлабки вақтларда одамни, асосан, гўшт билан таъминлаш мақсадига эга эди. Ҳайвон сутидан анча кенг фойдаланилганини юқорида айтиб ўтган эдик. Бунинг учун, ҳар ҳолда, узок вақтлар давом этган махсус таилаш жараёни талаб қилинган, Баъзи чорвачилик қабилалари шохли молларнинг жуда катта подаларига эга бўлса ҳам, на сут ва на сут маҳсулотларини истеъмол қилишни билмаганликларига қараб, айрим жойларда сут чорвачилиги анча кеч пайдо бўлган, деб ҳукм чиқариш мумкин. Масалан, Африканинг кўпгина чорвадорлари шундайдир. Худди шунингдек, Ҳитой ва Ҳинди-Ҳитойнинг кўпгина халқларида ва Ҳиндистоннинг кўпгина қисмида чорва моллари бўлгани ҳолда, сутдан овкат сифатида

¹⁰<http://www.history.ru>

фойдаланмайдилар. Тўғри, бунинг акси ҳам учрайди. Африканинг баъзи қабилалари сутдан овхат сифатида фойдаланадилар, аммо гўшти деярлик емайдилар ва баъзайи жуда катта подага эга бўла туриб, «жамғарма чорвачилиги» деб аталадиган чорвачилик билан шуғулланадилар.

Чорвачилик тарихида буғучилик алоҳида ўринда туради. УЕвропа ва Осиёнинг шимол халқларида ўтмишда муҳим роль ўйнаган ва ҳозир ҳам муҳим роль ўйнайди. Буғучиликнинг пайдо бўлиши ҳақида мунозаралар давом этмоқда. Баъзилар уни жуда қадим замонларга, сал кам мадлен маданияти даврларига элтиб, буғу уй ҳайвонига айлантирилган биринчи ҳайвон десалар, бошқалар буғучиликнинг пайдо бўлганига 500 йилдан кўп бўлган эмас ва буғу энг кейин хонакилаштирилган ҳайвон, деб ҳисоблайдилар. Буғучиликнинг пайдо бўлган жойи, шароити ва сабаблари масаласида ҳам турли хил фикрлар бор. Бу ҳолда биз бу масалаларнинг ҳаммасини буғучилик турли ерларда, турли халқларда турли вақтда пайдо бўлган ва у дастлаб баъзи ҳолларда миниб юриш учун, баъзи ҳолларда гўшт учун боқилган ҳамда ўзининг бу қийматини узоқ вақтгача сақлаган, деган маънода ҳал этамиз. Буғу ҳозирги вақтда гўшт, тери ва ҳоказолар учун, шунингдек, баъзи халқларда, мрсалан, эвенкларда миниб юриш учун, баъзиларида, масалан, ненец, саам ва бошқаларда чанага қўшиш учун фойдаланилади. Чорвачиликнинг баъзан жуда тез суръатлар билан фивожланиши учун қулай шароитлар мавжуд эди. Кўпинча чорвачи халқларнинг подасидаги қорамоллар кўп минг бошгача етган. Ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва уларни хонакилаштириш билан ибтидоий чорвачиликка асос солинди.¹¹

Бироқ чорвачиликнинг ривожланиши бир қатор муҳим

¹¹Kabirov A. Ibtidoiy jamiyat tarixi. Toshkent: O'zMU nashriyoti, 2005. B-76.

шароитларни талаб қилади. Чорвачилик билан фақат географик шароити ва райони мос«бўлган жойлардагина шуғулланиш мумкин ва шу билан бирга, мувофиқ яйловлар бўлиши ҳам керак. Шунинг учун ҳам табиийки, чорвачилик асосан чўл районларида кучли ривожланган. Лама ва альпака боқилган қадимги Перудан ташқари, Колумб бормасидан олдинш иккала Америкада, Марказий Африканинг ғарбий қисмида ва бутун Океания бўйлаб чорвачилик ривожланмаган; Арктика районлари ва Австралия ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Қушларнинг ҳар хил турлари нисбатан анча кейин хонакилаштирилган. Товуқ монофилетик парранда бўлиб, унинг ватани Осиёнинг жануби, эҳтимол, Ҳиндистондир, товуқ дастлаб у ердан шарққа, Хитойгача, анча кейинроқ Осиёнинг ғарбига ва яна ҳам жейинроқ Африка ва Европага тарқалган. Қадимги яҳудийлар ҳам қадимги мисрликлар каби товуқни билма- ғанлар, у Месопотамияда эрамиздан олдинги VII—VI асрлардан илгари пайдо бўлган эмас. Товуқни Гомер давридаги қадимги Греция ҳам билмаган, у кейинги даврларда Грецияда «Эрон куши» деб аталган. Товуқ Европанинг қозик устига ўрнатилган манзиллар ёдгорликларида ҳам йўқ эди. Товуқ бир қанча мамлакатларда, масалан, Океанияда анча кейин пайдо бўлган. Янги Гвинеянинг туб аҳолиси товуқни хўжалик мақсадларида кўпайтирмайди, улар товуқнинг гўштини ҳам, тухумини ҳам емайдилар, улар унинг патларидан безак сифатида фойдаланиш учунгина асрайдилар. Паррандаларнинг бошқа турларидан бири, ватани Европа ва Африка бўлиб, Ғарбий Европаинг қозик устига ўрнатилган манзилларда учрамайдиган ғоз анча кейинги даврларда хонакилаштирилган, ўрдак эса ундан кейин хонакилаштирилган. Ўрдакнинг ватани Европа ва Осиёдир. Қадимга греклар уни билмаганлар. Қадимги Перу ва Марказий Америкада ўрдакнинг махсус тури мустақил сурада хонакилаштирилган. Марказий Америка курканинг, Африка

цесарканинг ва Жанубий Осиё товуснинг ватанидир. Ватани Ғарбий Осиё ҳисобланган каптар жуда узоқ ўтмишда хонакилаштирилган бўлса керак. Ибтидоий даврда пайдо бўлган тоғ маданият махсус ва ўзига хос комплексдан иборат. Одамлар дастлаб асосан неолит даврида тоғларга ўрнаша бошлаган ва қулай шароитларда у ерда яшаб қодоан. Бошқа жойларда кишилар тоғларга кейинроқ бронза ёки ҳатто темир даврида ўрнаша бошлаган, баъзи бир географик районлардаги тоғлар чорвачилик ва деҳқончилик учун жуда қулай бўлган: ўтларга бой тоғ ёнбағирлари, айниқса баланд тоғ альп ўтлоқлари ва ажойиб яйловлар бўлган, шу ёнбағирларнинг ўзига мувофиқ равишда ишланиши натижасида экин экиладиган ерларга айлантирилган. Тоғларни қоплаб турган ўрмонлар кесиб битирилгунча ўрмонни кесиб ва ёкиб деҳқончилик қилиш системаси кенг қўлланган. Чуқур даралардаги тоғ дарёлари водийсида ҳам суғориб деҳқончилик қилиш ва боғдорчиликни ривожлантириш учун жуда қулай шароитлар мавжуд бўлган. Тоғ ва тоғ даралари ўз хўжалик аҳамиятларидан ташқари, маълум шароитда муҳофаа истеҳкомлари бўлиб хизмат қилган.¹²

Одамлар турли сабабларга кўра тоққа кўтарилишга мажбур бўлганлар: тоғ яйловларидан фойдаланиш фикри, лекин бу ҳолда одам фақат тоққа кўтарилган ўз чорваси кетидан эргашиб бориши мумкин эди, ер танқислиги, ниҳоят, душмандан қочиш ва тоғларда ундан яшириниш ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Тоғ ёнбағирларидан экин экиш учун фойдаланиш деҳқончиликнинг террасали деҳқончилик деган ажойиб турини яратди. Бу усул тропик ва субтро-пик тоғли районларга хос бўлса ҳам, бироқ ўртача минтақаларда ҳам учрайди. У ҳозирги вақтда Индонезиянинг баъзи халқларида, масалан, Филиппин оролларида мавжуддир, қадимги

¹²Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 94.

Перуда анча ривожланган эди, Жанубий Америкада, қисман Кавказда, Доғистонда ҳозир ҳам сақланиб қолган. Терраса деҳқончилигининг моҳияти қуйидагидан иборат. Экин тоғ ёнбағирларига экилади, нишобликни текис ерга айлантириш, далани: сув билаи таъминлаш, лекин қаттиқ жала қуйганда уни қувиб юбормаслиги учун тоғ нишобларида сув оқиб кетадиган каналлари бўлган, бири кетидан иккинчиси бошланган паст-баланд террасалар ишланади. Бундай қурилишлар баъзан жуда, катта ҳаясмга етади ва у бир неча авлоднинг узок давом этган меҳнатининг натижасидир, Терраса деҳқончилиги қанчалик узок ўтмишгаэга эканини айтиш қийин. Тоғ чорвачилиги тобора ривожланиб, яйлов чорвачилиги шаклини олади. Чорва қиш фаслида тоғ этакларида ўсган ўтлардан маҳрум бўлади, ем-хашақларни қишга тайёрлаш ва кўп сонли молларни оғилхоналарда сақлаш тоғларда ҳаддан ташқари оғир ишдир, шунинг учун тоғликлар қиш яқинлашиб келиши билан ўз чорваларини, кўпинча қўйларни пастга, кавказликларнинг айтишича, ялапгличка ҳайдайди. Ўз навбатида, баъзи ерларнинг текисликда, айниқса тоғ этакларида яшовчи аҳолиси, тоғ яйловларидан фойдаланиш учун баҳор[келгач, ўз чорвалари билан тоққа кўтаришган. Тоғ шароити алоҳида маданият шакллари яратдик. Бу маданият ерни ишлаш қуролларида, турар-жойларда, кийим-кечакда ўз ифодасини топди. Шу билан бирга, тоғ маданиятининг кўп томонлари, масалан, йўлларнинг ва алоқа воситаларининг аҳволи, деҳқончиликни такомиллаштириш имкониятининг ёмонлиги чорвани ҳайдаш вақтида молларнинг кўплаб ҳалок бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳайдаб боқиш системаси — буларнинг ҳаммаси тоғ маданиятининг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилди. Ибтидоий даврда ишлаб чиқариш асосий соҳаларининг ривожланиши ҳақидаги тавсифимизни тугатиб, биз яна мана шу алоҳида соҳалар билан боғлиқ бўлган ки- шилар

турмуши масаласи устида тўхташимиз керак.¹³

Одам ибтидойий даврда дастлаб ёки умуман дайдиб юргани ҳақида кўп марта гапирилган эди. Бундай умумий тасдиқлаш нотўғридир. Одам ибтидойий даврнинг энг дастлабки пайтларидагина дайдиб юрган деса бўлади, лекин бу вақтда ҳам одамлар бир ердан иккинчи жойга кўчиб юришга мажбур бўлсаларда, ҳар ҳолда, улар ҳамавақт ҳам тартибсиз кезиб юра бермаганлар. Хўжаликнинг ривожланиши, уруғчилик тузумининг пайдо бўлиши билан одам озик топиладиган маълум территорияга озми-кўпми кўйиқиб қолди. Ҳатто ҳозирги замондаги энг қолоқ қабилалар ҳам шундай ҳаёт кечирган, кўпинча қабилаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишига мавсумнинг ўзгариши сабаб бўлар эди. Ибтидойий овчилик кўчиб юришга мажбур этган, лекин бунда ҳам алоҳида гуруҳларнинг кўчиб юришимаълум территория билан чекланган бўлиб, овчилик ҳайвоннинг ҳаёт кечиришга кўра, мунтазам равишда олиб борилган. Бу вақтга келиб маълум даражада ривожланган балиқчилик нисбатан ўтроқликнинг бошланишига ёрдам қилган. Овчиликнинг балиқчилик билан бирга кўшиб олиб борилиши ўз навбатида, мавсумларга қараб мунтазам равишда кўчиб юришга мажбур этган. Ўрмоини кесиб, ёндириб деҳқончилик қилиш системаси мотиға асосидаги деҳқончиликда ҳам, омоч асосидаги деҳқончиликда ҳам, ўз навбатида, яшаш жойларни кўп алмаштирмасликни талаб қилди. Кўчиб ҳаёт кечириш юқори даражада тараққий этган чорвачиликка хосдир. Ниҳоят, фақат омоч асосидаги деҳқончилик ривожланиши билан одам кўчманчилик ёки номадизм (грекча погпаз «дайди», «кўчманчи») дан бутунлай алоқасини узади ва мустаҳкам ўтроқликка ўтади.

¹³Косвен М.О. Ибтидойий маданият тарихидан очерklar. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. Б. 96.

2. Неолит даври чорвачилик манзилгоҳлари ва уларнинг ўрганилиши

Олд Осиё чорвачилик вужудга келган асосий ўчоқлардан биридир. Бу ердаги Загрос тоғларида овчилик ва чорвачилик ўчоқлари кўплаб тоилади. Бу манзилгоҳлар мезолит даври охирига тўғри келади. Зави Чеми Шанидар манзилгоҳидаги материалларидан кўриш мумкинки, унинг тадқиқотчиси Д.Перкинснинг фикрича, у ерда аллақачон қўй хонакилаштирилган бўлган. Қўйнинг суяк қолдиқлари (50%гача бўлган) манзилгоҳнинг юқори қатламида жойлашган. Шунинг учун Зави Чеми Шанидарда қўйнинг қўлга ўргатилганлиги масаласи шубҳасиздир. Загрос тоғидаги ёдгорликлар бизга хонакилаштирилган ҳайвонлар ҳақида маълумот беради. Зави Чеми Шанидар манзилгоҳига одамлар йилнинг иссиқ фаслида бориб ўрнашиб қолганлар, чунки унинг теваарак атрофи ҳайвонлар ўтлаши учун қулай жой бўлган.

Неолит даврига тегишли бўлган манзилгоҳлардан бири Ганж Дарех (мил. авв. 8-7 минг йилликлар)даги суяк қолдиқларидан маълумки, у ерда эчки, қўй, тур ва тўнғиз каби ҳайвонлар мавжуд бўлганини хабар қилади. Остеологларнинг хабар беришича, неолит охирларида бу ерда хонакилаштирилган эчкилар пайдо бўлган. Чорвачилик манзилгоҳлари бир қанча деҳқончилик манзилгоҳларидан ҳам топилган. Булар Али Кош (мил. ав. 7-6 минг йилликлар) ва Жармо (мил.ав. 8-7 минг йилликлар) манзилгоҳлари бўлиб, бу ерлардан остеологик материаллар кўплаб топилган. Неолитнинг бошларида бу ерда қўйларга нисбатан, эчкилар кўп бўлган. Жармодаги суяк қолдиқларидан маълумки, бу ерда хонакилаштирилган эчкилар кўп бўлган. Неолит охирларида Жармода хонаки чўчқалар пайдо бўла бошлади. Хонаки итлар ҳақида Жармодан топилган сопол ҳайкалчалар

маълумот беради. Неолит даври Загрос хўжалигида итнинг ўрни бизга жумбоқдир.¹⁴

Милоддан аввалги 8-7 минг йилликларда Анатолияда ишлаб чиқарувчи хўжалик пайдо бўлди. Туркиянинг жануби шарқида Чайон Тепези манзилгоҳидан маҳаллий уйлар топилган. Изланишлар натижасида аниқландики, бу ерда неолитнинг бошларида ит қўлга ўрнатилган.

Кавказда жойлашган Ғарбий (Квачар ғори) ва Шарқий Грузия (Зуртакета манзилгоҳи) дан топилган остеологик материалларда эчки суяклари учрайди. Доғистонда жойлашган энеолит даври манзилгоҳларидан, асосан, қўй ва эчки суякари торилган.¹⁵

Каспий денгизининг жанубидаги ғорлардаги изланишлар шуни англатадики, К.Куннинг фикрича, бу ерда ҳайвонлар (эчки, қўй) ни хонакилаштириш мезолит даври охирларида вужудга келган. Ўрта Осиё худудидаги Жайтун маданияти (мил.авв. 6-5 минг йилликлар) деҳқончилик манзилгоҳи ҳисобланиб, лекин чорвачиликка оид материаллар ҳам топилган. Жайтунмаданияти остеологик коллекцияларини ўрганган В.И.Цалкин хулоса қиладики, неолитнинг бошларида уларда эчкилар, давр охирида эса қўйлар қўлга ўргатила бошлаган. Неолит даври охирларида жайтунликларда, В.И.Цалкиннинг фикрича, йирик шоҳли ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланган. Жайтунликларнинг хонакилаштирилган қўйлари Олд Осиё қўйларига қариндош бўлган.

Хуллас, биологлар томонидан остеологик манбаларнинг ўрганилиши натижасида Ўрта Осиё билан Олд Осиё ўртасида алоқалар бўлганлиги аниқланди.¹⁶

¹⁴Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. Москва: Наука, 1980. стр. 61- 62.

¹⁵Ўша китоб, стр. 68.

¹⁶Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. Москва: Наука, 1980. стр. 73.

Милоддан аввалги 3-минг йилликларда Ўрта Осиёнинг балиқчилик, овчилик маконларида чорвачилик юзага кела бошлади. Бундай топилмаларнинг дастлабкиси Шарқий Қозоғистондаги Уст Нарим манзилгоҳидан (милоддан аввалги 3-минг йиллик ўрталари) ва Орол денгизининг шимолида жойлашган, Қалтаминор маданиятига тегишли Саксаул манзилгоҳида учрайди. Биринчи манзилгоҳда хонакилашган эчки ёки қўй суякларини, иккинчи манзилгоҳда эса фақат йирик шоҳли қорамол ва қўйларни учратишимиз мумкин. А.А.Формозовнинг фикрича, Қозоғистондаги археологик тадқиқотлар бу ерда чорвачилик милоддан аввалги 3 минг йилликда вужудга келганини маълум қилади. Бу тўғрида энеолит даврига тегишли бўлган Уралортидан топилган от, майда ва йирик шоҳли қорамолларнинг суяклари хабар қилади.

Эндиликда Жанубий Осиёда чорвачилик манзилгоҳларига тўхталамиз. Ҳинд водийсигачорвачилик хўжалиги милоддан аввалги 6-4 мингйилликларда Белужистон (Ҳиндистоннинг шимолида жойлашган ҳудуд)нинг тоғли районлари орқали кириб келган. Ҳинд дарёсининг чап соҳилида жойлашган Кили Гхул манзилгоҳи, У. Феарсервиснинг фикрича, дастлаб чорвадор қўчманчиларга тегишли бўлган. Белужистон ва Ҳинд водийси деҳқонлари майда ва йирик шоҳли қорамолларни парвариш қилишган. Шуниси аниқки, хонакилаштирилган эчки ва қўйларни улар ўзлари билан олиб келишган, бу ҳайвонлар Ҳиндистоннинг ўзида мавжуд бўлмаган. Бу ердан топиб ўрганилган неолит даври сопол ҳайкалчалари зебу ҳайвони ҳақида маълумот беради. Зебунинг хонакилшатирилиши ҳозиргача бизга номаълумлигича қолмоқда. Чорвачилик тарихи бўйича йирик мутахассис Г.Эйпштейн фикрича, зебу Лут чўлларида қўлга ўргатилган. Мергардан топилган янги маълумотлар шундан хабар қиладики, хонакилашган зебу ва буқалар Белужистоннинг неолит даври аҳолисида мавжуд бўлган. Адамгарх, Бахор, Тилвардан топилган остеологик

коллекцияларни уй ҳайвонларининг (эчки, зебу, қўй, ит, чўчка, буқа) суяклари ташкил қилади.¹⁷

Европада чўчка ва турлар мезолит даврида яшаган. Жанубий Францияда жойлашган Шатонеп ле Мартиг манзилгоҳидан қўйнинг суяклари топилганки, бу Европада қўйнинг қўлга ўргатилиши мезолит даврига бориб тақалишидан хабар беради. Дехқончиликкача бўлган даврда қўлга ўргатилган ягона ҳайвон Европада ит ҳисобланган. У Шарқий Европада пайдо бўлган. Итнинг суяклари Стар Карр қишлоғидан (Буюк Британия, милoddан аввалги 9-8 минг йилликлар) топилган. Бу ерда итлар меҳнатидан овчиликда фойдаланишган.

Хонаки эчки ва қўйлар Болқон ярим оролида неолит даврида пайдо бўлган. Қадимги деҳқонлар ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонларни қўлга ўргата бошлаганлар. Македонияда жойлашган Неа Никомедия, Аргисса Магула, Анза ва ҳ.к. қишлоқлар (милoddан аввалги 7-минг йиллик охири ва 6-минг йиллик бошлари) чорвачилик хўжалиги билан маълумдир.

Америкада чорвачилик Эски Дунёдагига қараганда кенг оммалашмаган. Жанубий Америкдаги Анд тоғларидаги деҳқончилик чорвачилик билан бевосита боғлиқдир. У ердан топилган ёввойи ва қўлга ўргатилган туяларнинг суяклари қайта тикланмаган ҳали. Андда овчиликда туялар катта ўринни эгаллаган.

¹⁷Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. Москва: Наука, 1980. Стр. 77-80.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Охирги юз йилликда ибтидоий чорвачиликнинг вужудга келиши ва унинг Ер юзи бўйлаб кенг ёйилиши тўғрисида олимлар бир қарорга тўхталмай юрувдилар. Хар хил гипотезалар бўлган, бир назария иккинчисига бўйсунити хохламаган. Эндиликда эса ишонч билан айтиш мумкинки, ишлаб чиқарувчи хўжалик бутун дунё тарихининг деҳқончилик чорвачилик формасида вужудга келди.

Овчиликнинг ривожланиши натижасида чорвачиликка ўтилди. Бу жараён турли ўлкаларда турлича кечди. Шимолий ўлкаларда ҳалигача овчилик, балиқчилик хўжаликнинг асосини ташкил қилиб турган бир пайтда жанубий минтақаларда ишлаб чиқариш кучлари зудлик билан ривожланиб, ибтидоий одамлар чорвачилик ва деҳқончиликка ўтишди.

Чорвачиликнинг пайдо бўлиши ҳунармандчиликнинг ҳам ривожланишини тақозо этди. Ҳайвонларнинг жуни, терисидан одамлар ўзларига кийим кечаклар тикиб олишди. Шунингдек, эндиликда инсонларнинг озиқ овқат таркибига ҳам янгиликлар кириб келди. Чорвадорлар қорамолларнинг сут, гўштлиридан фойдаланган ҳолда ўзларининг ошхоналарини бойитиб бордилар. Чорвачиликнинг пайдо бўлиши кўчманчиликни тақозо эта бошлади. Доимий турар жой ўриналари кўчманчи ҳаёт эгаллади. Албатта, ҳамма ҳам кўчманчи чорвадор бўлиб кетмаган, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган халқлар ўтроқ ҳаёт тарзида қолишган. Халқларнинг чорвачиликни танлаши уларнинг иқлими, географик муҳитидан келиб чиққан. Тоғлик ўлкаларда яшовчилар, албатта, чорвачилик билан шуғулланганлар. Чорвачиликнинг пайдо бўлиши – эндиликда бошқа хўжалик турларининг маҳсулотлари билан чорва маҳсулотларининг айирбошловини юзага келтирди. Деҳқонлар ўзида йўқ бўлган маҳсулотларни (гўшт, сут ва ҳ.к.) чорвадорлардан оладиган бўлишди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Варрон М.Т. О сельском хозяйстве. Москва, 1957.
2. Kabirov A. Ibtidoiy jamiyat tarixi. Toshkent: O'zMU nashriyoti, 2005.
3. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960.
4. Шнирельман В.А. Происхождение скотоводства. Москва: Наука, 1980.
5. <http://www.history.ru>
6. <http://www.prehistoryforkids.archeologia.ru>